

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

“ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК” КАФЕДРАСИ

Мискинов Отабек Сапорбоевич

“Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига

Урганч санъат коллежи фаолиятининг ўрни”

“5150700 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)” мутахассислиги

магистр даражасини олиш учун ёзилган

д и с с е р т а ц и я

Илмий-иждодий раҳбар:
ЎзР санъат арбоби, проф.
Ф.Абдурахимова

Тошкент-2017

Мавзу: “Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига

Урганч санъат коллежи фаолиятининг ўрни”

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I БОБ.	Ўзбекистонда мусиқа санъати ривожига	8
1.1	Урганч санъат коллежининг ташкил этилиши.	10
1.2	Коллеж фаолияти ва эришилган муваффақиятлар	13
II БОБ.	Мустақиллик йилларида коллеж фаолиятининг ривожига (ИСТИҚЛОЛИМ – ИСТИҚБОЛИМ)	15
2.1	Фаолиятда эришилган ютуқ , муаммо ва ечимлар хусусида	21
2.2	Коллеж жамоасининг жамоат тадбирларидаги фаолияти	24
III БОБ	УРГАНЧ САНЪАТ КОЛЛЕЖИ: КЕЧА ВА БУГУН	29
3.1	Ёш авлод маънавиятининг шаклланишида кекса авлод вакиллари билан ўтказилган учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти (эл ардоғидаги санъаткорлар -с обик талабалар билан олиб борилган учрашувлар, маҳорат дарслари мисолида).	31
3.2	Санъат коллежининг самарали фаолиятига бош бўлган раҳбарлар ҳақида	32
3.3	Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш давр талаби	38
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	40
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	42

КИРИШ

Инсоннинг рухий камолоти ҳақида сўз юритилар экан, албатта бу мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан бекиёс ўрин тутиб келади. Мусикий меросимизни асраб авайлаш ва ўрганиш, уни ўқувчи ёшларга безавол етказиш, миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича юртимизда катта имкониятлар яратилган. Санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит яратиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ўқувчи ёшларимизни миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари, мазмунли эстрада асарлари намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шарт – шароитлар яратиш, мусикий таълимни янада ривожлантириш масалалари бугунг кунда муҳим аҳамият касб этади.

1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, барча ўқув фанларидан миллий мусиқа устуворлигида, замон талаблари асосида янги дастур ишлаб чиқилди, амалга тадбиқ қилина бошланди. Дастур асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий қўлланмалар яратилди.

Дастурга кўрсатилган мақсадга эришишда, албатта, мусиқа ўқитиш методларининг хизмати ва ўрни катта.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таъкидланганидек, таълимнинг янги тизими ва мазмунинини шакллантириш мақсадида “Илғор педагогик технологияларни ҳамда ўқув-тарбиявий жараённинг дидактик таъминотини яратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлада таълим жараёнининг самаралорлигини оширишга хизмат қилувчи омилларни излаб топиш ва бу борада энг мақбул омил деб топилган янги педагогик технологияларни ўқув юрти фаолиятларига тадбиқ этиш борасида амалий характерларни олиб бориш мақсадга мувофиқ деб

ҳисобланмоқда. Республикамизда мустақиллик муносабати билан таълимнинг тубдан ислоҳ этилган янги тизими барпо этилди.

Комил инсонни тарбиялашда маънавий алоҳида ўрин тутади. Чунки маънавий тарбия ўз мазмун - моҳияти билан ўқувчи ёшларда табиат ва жамият, кишилар муносабатидаги гўзалликни кўришга, идрок этишга, уларни ҳар томонлама тушунишга ундайди. Бундай юксак фазилатларни ўзлаштиришда санъатнинг барча турлари, хусусан мусиқа дарсларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек мусиқа санъати ва маданияти Шарқ маданияти уйғунлигида кўп асрлик тарихий йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда ўқувчи ёшларни миллий мафкурамиз руҳида тарбиялаш ҳамда санъат ва бадиий ижод орқали уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мусикий таълим ва тарбия назарияси ҳамда амалиёти бутун маданиятимиз билан чамбарчас боғлиқ. Инсоният маданиятининг бошқа соҳаларида бўлганидек, мусиқа санъатида ҳам унинг тараққиёт боскичларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида муҳим хусусиятлар ва қонуниятлар ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм-фан, маданият, техника ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш катта аҳамият касб этади. Чунки келажак тақдирини маънавий етук, иродаси бақувват, замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятга эга кадрлар ҳал этади. Илм-фан, маданият, маърифат ҳар қандай мамлакатни юксакликка кўтаради, унинг тараққиётини таъминлайди, энг муҳими илм-маърифат инсонни комиллик сари етаклайди. Таълим-тарбияга аҳамият бериш – бу келажак ҳақида қайғуриш, юрт ва халқ истиқболини ўйлаш демакдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбияга алоҳида аҳамият бериб, миллий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласига жиддий эътибор билан қараб, ”Таълим

тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунларини (1997 йил, 29 август) қабул қилди. Республикамизда таълим соҳасига давлат даражасида берилётган эътибор ва бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида талаба-ёшларнинг таълим тарбия олишларига кенг имкониятлар яратиб берилганлигида намоён бўлмоқда. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган *“Билимли ва ақл-заковатли етук авлодни тайёрлаш – мамлакатни барқарор ривожлантириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти”* мавзусидаги Халқаро конференция қатнашчилари (2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари) бу соҳада амалга оширалаётган ишларни эътироф этганликлари бунинг яққол далилидир. Ўтган давр мобайнида тўпланган ижобий ишлар, ютуқлар, тажрибаларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф этиш учун Республикамизда мусиқий таълим - тарбия, ижрочилик мактабларининг шаклланиши, ўқув дарсликларининг бу соҳадаги ўрни, Урганч санъат коллежининг хайрли ишлари ҳақида имкониятимиздан келиб чиқиб мулохаза юритамиз, таклифлар белгилаймиз. Коллеж жамоасининг ўқувчи-ёшларни Мусиқа дарслари орқали маънавиятларини ошириш, умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқувчи-ёшларнинг ўз имкониятларини намоён этиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини шакллантириш билан бир қаторда уларни чолғуларда ижрочиликнинг ўрни ва аҳамиятини замон талаби даражасида муҳимлигини тушунтириш, таниқли санъаткорлар ижроси, композиторлар ижоди ва бугунги кундаги ёшларнинг санъат йўналишидаги ижобий чиқишлари, турли даражадаги танловлардаги иштироки, ўрни ва аҳамияти, коллеждаги мусиқий таълим – тарбияга оид ишлар юзасидан фикр билдирамиз.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Яхши куй, дилкаш қўшиқнинг инсон руҳиятига таъсири бекиёс. Бугунги кунда нафис санъатлар ичида мусиқа санъати алоҳида нуфузга эгалиги ҳаммамизга аён. Мусиқа санъати ижтимоий

маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янграши одат тусига айланди. Эндиликда ҳалқимизнинг кундалик турмуш тарзи, тўй томошалари, оммавий байрам ва сайлларини муסיқасиз, куй - кўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёшларнинг санъатга бўлган қизиқиши, санъатнинг бирор турини (хонанда, созанда, рақс) эгаллаш учун ҳаракат қилиши сўнги йилларда ривожланди, ўсди. Аммо, санъат турлари орасида энг кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётгани ҳам муסיқа санъатидир. Бунга сабаб бўлаётган омиллар, жумладан ушбу жабҳада етук санъаткорлар, эътирофга лойиқ устозлар билан бир қаторда кўплаб ҳаваскорлар, устоз кўрмаган “шогирдлар” ҳам ўз “ҳунарларини” кенг оммага тақдим этишларидир. Юзага келган ушбу жараён илмий жиҳатдан чуқур ўрганишни, илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади, масалан, биргина ўзбек эстрада кўшиқчилиги соҳасида юзага келган вазият ҳусусида вақтли матбуот, радио, телевидение орқали кўплаб танқидий фикрлар билдирилган. Чунки ҳақиқий кўшиқ, куй – кўнгил мулки, ички туйғу, дил изҳори сифатида яратилишидир. Хонанда шеърни кўшиқ шаклида ижро этиб, инсониятнинг руҳий омилига кириб боради, ақлу шуурини сеҳрлайди. Бу сеҳру – жоду овоз воситасида амалга ошади. Фаробий, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирлар овозни энг мукаммал соз сифатида эътироф этганлар. Мазмунли кўшиқ, куй ўқувчи – ёшларни ватанпарвар, халқпарвар қилиб тарбиялашда, уларнинг маънавиятини бойитишда катта таъсир кучга эгаллиги эътиборлидир. Шунинг учун ушбу воситалардан самарали фойдаланиш, ривожлантириш, ёш истеъдодларни тарбиялаб вояга етказиш, тўпланган тажрибаларни тарғибот қилиш асосий мақсад ва вазифаларимизни ташкил этади.

Мавзунинг янгилиги. Урганч санъат коллежининг кўп йиллик фаолияти, дарсларининг олиб борилишида устоз – ўқитувчиларнинг замонавий санъат асарларидан ижодий фойдаланиш йўллари таҳлил этиш, дарс ва дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган бадиий кечалар, ижодий учрашувлар,

музыкавий тадбирларнинг ўқувчилар онгига таъсири, тарбиявий аҳамияти ўрганилади, ижобий ишларни кенг ёйиш ҳақида тавсиялар берилади.

Тадқиқот предмети. Урганч санъат коллежининг ўқувчи – ёшлари орасида олиб борилаётган Музыка дарслари (музикаий назарий ва амалий фанлар, мутахассислик ва бошқалар), дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган тадбирларда музика санъатининг таъсири, музика санъатининг касбий йўналишларида ўтказиладиган турли танловлар (Республика, Халқаро) ва фестиваллардаги ютуқларда коллежнинг ўрни, замонавий музика санъати намуналаридан самарали фойдаланиш йўллари таҳлил этиш.

Тадқиқот объекти. Урганч санъат коллежининг ўқувчи – ёшлари фаолияти.

Диссертациянинг тузилиши. Кириш, уч боб, саккиз параграф, хулоса, тақлифлар, илова, глоссарий ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.БОБ. Ўзбекистонда мусиқа санъати ривожи

Бугун бутун дунёда ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кетмоқда. Бу кураш ҳарбий куруллар билан эмас, ахборот воситалари орқали амалга оширилмоқда. Дунё бўйлаб тарқалаётган ахборотларнинг кўпи маълум мақсадларга хизмат қилаётгани сир эмас. Бундай шароитда давлатимизнинг Биринчи Президентининг ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим, деган кўрсатмалари жуда қўл келади. Ўзига ишонган, аждодлари билан фахрланадиган, мамлакатнинг ёруғ эртасини тўла тасаввур қиладиган тенгдошларимизни тўғри йўлдан оздириш мумкин эмас. Демак, бугун маданий-маърифий машғулотларда, тадбирларда ёшларда ишонч-эътиқодни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008 йил) асарларида маънавият тушунчаси жуда кенг ва атрофлича ёритилган: “Инсон маънавий оламининг юксалиши билан боғлиқ ҳолда турли ҳолатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин, мухтасар қилиб айтганда, Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезондир”. Бундай улуғ қадриятларга кундалик ҳаётимизда, ўзаро муомалада, оддий инсоний муносабатларда доимо дуч келамиз. Инсоннинг жамиятда, маҳаллада, оилада ўзини қандай тутиши, туриш-турмуши, сўз ва амаллари кўп нарсадан хабар беради. Шунинг учун ёшлар тарбиясига таъсир этувчи, уни ижобий томонга етакловчи барча воситалардан унумли фойдаланиш ўқитувчи-устозларнинг бирламчи вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада ўзбек ва европа классик композиторлари ижоди, асарларидан намуналар тинглаш, ўзлаштириш, уни ўзимиз каби ёшлар орасида тарғибот қилиш катта аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Республикамизда маънавият, маданият ва санъатга қаратилаётган алоҳида диққат – эътибор самараси ўларок, бугун Ўзбекистон мусиқа санъатини бутун дунёга танитиш, қолаверса жаҳоннинг машҳур композиторлари ижодини ўрганиш, хусусан, Европа мумтоз мусиқаси асосчилари И.С.Бах, Л.В.Бетховен, В.А.Моцарт, Ф.Шуберт, Ф.Шопен, П.И.Чайковский, М.И.Глинка каби жаҳон мумтоз мусиқа санъатида беқиёс ўрин тутган композиторлар асарларини ўрганиш, ҳамда мусиқа дарсларида намунали даражада келажак эгалари бўлмиш ёш авлодга етказиш замонавий мутахассислик ўқитувчиси олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Шунингдек, Ўзбекистон композиторлари ва юқорида кўрсатилган композиторларнинг бадиий қийматга эга бўлган асарларидан фойдаланган ҳолда дарсларнинг муҳим фаолиятларидан бири бўлган мусиқий-назарий фанларда мусиқа тинглаш, асар мазмуни ҳақида маълумотга эга бўлиш орқали ўқувчиларнинг мусиқий диди, маданиятини, инсоннинг ички мураккаб дунёси бўлмиш ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат, орзу-умид, соғинч каби туйғуларни тўғри тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Агар инсоннинг қулоғи енгил елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади. Бундай ҳолатларни олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд

бўлиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мусикий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади”.

Демак, ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, кенг дунёқарашга эга қилиб тарбиялашда барча ўқув муассасаларида ўқитиладиган фан дарсларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу қатори мутахассислик дарслари ўқувчиларнинг эстетик ва ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, уларни баркамол шахс бўлиб етишишига замин яратади.

1.1. Урганч санъат коллежининг ташкил этилиши.

Матюсуф Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юрти 1962-1963 ўқув йилида фаолият бошлади. Билим юртининг биринчи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рахмон Оллаберганов зиммасидаги маъсулиятни яхши хис қиларди. Мактабларни малакали мусиқа ўқитувчилари билан таъминлаш, ёшларга мусиқа сирларини чуқурроқ ўргатиш, келажакда улар орасида ўзбек мусиқаси ривожини кафолатлайдиган улкан мусиқашунослар етишиб чиқишига кўмаклашиш, унутилиб бораётган мусиқаларга қайта жон бахш этиш, шу билан бирга қардош халқлар мусиқаларини ўрганиш-буларга осонликча эришиб бўлмаслиги аниқ эди. Директор атрофига ўз даврининг соҳа билимдонларини, жонкуяр инсонларини жамлади. Билим юртида халқ чолғу асбоблари бўлими, фортепиано, торли ва пуфлама, хор дирижёрлиги, ашула бўлимлари ташкил қилинди. Халқ чолғу асбоблари бўлимида ўқувчиларга қашқар рубоби, дутор, баян, аккордеон, доира, чанг, рубоб прима, ғижжак, кларнет, труба, туба каби мусиқа асбобларидан сабоқ бериш йўлга қўйилди.

Биринчи навбатда талаба ёшларнинг бўлажак мусиқа ўқитувчилари эканлиги эътиборга олинди.

“Мусиқани яратишгина эмас, балки уни, тинглаш, тушуна олиш ҳам бир санъатдир. Болаликдан анча содда, тушунилиши осон бўлган классик асарлар

тинглашга ўргатиб борилса, кейинчалик мураккаб, яъни опера ва балетлар, хор ҳамда симфоник оркестр учун яратилган асарларни англаб етиш, завққа тўлиш бир мунча енгил кўчади. Шунинг учун болалар ўртасида наинки мактаб, балки боғча ёшидан мусиқа машғул�лари ўтказилади. Машғул�ларнинг савияли, қизиқарли ўтказилиши-мусиқа тинглай олиш кўникмасини ҳосил қилиш томошабин-тингловчи дидини тарбиялаш учун эса профессионал маҳоратга эга кадрлар зарур”. Билим юртида худди шундай кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида масъулият билан ёндашилади. Бундай кадрларни тайёрлаш эса ўз навбатида билим юрти ўқитувчиларидан улкан билим, салоҳият, маҳорат, бағрикенглик талаб қиларди. Ўз ҳаёт йўлини, тақдирини билим юрти билан чамбарчас боғлаган халқ чолғу асбоблари бўлими ўқитувчилари Озод Иброҳимов, Эгамберган Каримов, Хожибой Солаев, Озод Матёкубов, пуфлама ва торли асбоблари бўлимида дарс берган Эгамберган Мўминов, Ким Фиёдор Сергеевич, Ўктам Салоев, Карим Искандаров ана шундай хислатларини ўзида мужассам қилган фидоий педагоглардир. 1964-1965 ўқув йилида билим юртида ўқув тарбиявий ишларини намунали йўлга қўйиш мақсадида шу масалалар бўйича директор ўринбосари таъсис қилинди. Биринчилардан бўлиб бу вазифа мусиқа билимдони Озод Матёкубов зиммасига юклатилди. Кейинчалик, О.Матёкубов, К.Отаниёзов номидаги 1-сонли мусиқа мактабида директор бўлиб фаолият кўрсатди. 1966-1968 йилларда ўқув тарбиявий ишларини Эгамберган Каримов олиб борди. 1968-1973 йилларда Раъно Ўлмасова ўқув тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари ловозимида самарали фаолият кўрсатди. 1965 йилда халқ чолғу асбоблари бўлимига Рустам Муродов, Одилбек Жуманиёзов, Абдушариф Рўзматов каби ёш мутахассислар ишга келиши билим юртида янги истеъдодлар сайқал топишида муҳим аҳамият касб этди.

Шу йили билим юртида янги бўлим ташкил қилинди. Мусиқа назарияси бўлимининг фаолият бошлаши бўлажак мутахассисларнинг билим савияларини янада юксак бўлишини кафолатлайди. Бу бўлимда таҳсил олган мутахассислар

ҳозир ҳам нафақат Хоразм вилояти, балки қўшни вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикасидаги умумтаълим мактабларида ёш авлодга сабоқ бериб келмоқда.

Тараққиётни малакали мутахассислар таъминлайди. Билим юртини етук кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳар доим долзарб саналган. Янги истеъдодларни излаб топиш, уларни билим юртига жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилган. Ҳозир ҳам бу анъана давом этмоқда. 1966 йилда Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган Павел Николаевич Пакнинг халқ чолғу асбоблари бўлимига рубоб-прима синфи бўйича ўқитувчи бўлиб ишга келиши ўша давр учун катта воқеа эди, Павел Николаевич узоқ йиллар билим юртининг халқ чолғу асбоблари оркестрини бошқариб борди, малакали мутахассислар тайёрлашга ўз улушини қўшди.

Муסיқа жонимизга қувват ато қилгани янглиғ, рақс инсон танасини тарбиялайди, такомиллаштиради. Жисму жон уйғунлашгандагина ҳаёт пайдо бўлади. Билим юртида халқ рақслари бўлимининг очилишини нафақат шу даргоҳ жамоаси, балки бутун воҳа санъат шинавандалари қувонч билан қарши олдилар. Қалбида жўшқинлик барқ уриб турган, ҳаёт фалсафасини сўзсиз, ҳаракатлар ёрдамида инсониятга тушунтиришга ошиқиб турган ёшларга рақс санъат турини ўргатиш бир пайтнинг ўзида мароқли ва машаққатлидир. Ахир, рақс шунчаки ҳаракатлар йиғиндиси эмас. Рақс улкан маънони ўзида мужассамлаган, жозоба ва гўзалликка бурканган бетакрор санъат туридир. Рақс бўлимини бошқариш учун Огаҳий номидаги вилоят драма ва комедия театрида бош балетмейстр бўлиб ишлаб келаётган Зоя Ғаффорова таклиф қилинди. Зояхоним бошчилигида бўлимда фаолият қизғин тус олди.

Йилдан йилга билим юрти ўқитувчилари сафидаги малакали мутахассислар сони орта борди. Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган Эркин Нажмиддинов, Хосият Тўрамуродова, Римма Саримсоқоваларнинг фаолият бошлаши таълим сифати ва самарадорлиги ошишига хизмат қилди. Малакали

кадрлар тайёрлашда билим юртига 1970-1972 йилларда раҳбарлик қилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матниёз Юсупов, 1972-1980 йилларда директор лавозимида фаолият кўрсатган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдушариф Отажонов каби устозлар меҳнати катта бўлди.

Улар оғир шароитларда меҳнат қилишган. Замона зайлига қарамасдан миллий мусиқа, миллий санъат ривожига баракали улуш қўшган жонкуяр инсонлар сифатида шогирдлар қалбида мангу яшайди, - дейди коллежнинг собиқ раҳбари Дурдибой Каримов.

1.2. Коллеж фаолияти ва эришилган муваффақиятлар

Санъат даргоҳидаги улкан воқеалардан бири 1976 йилда истеъдодли ўқувчилар жамланган камер ансамблининг ташкил қилиниши бўлди.

Бобожон Сапаев, Рустам Болтаев, Матрасул Матёкубов, Гулчехра Муҳаммедова, Алишер Матниёзов, Зокир Отожонов, Одинамурод Хўжаев, Ботир Матёкубов, Мадрахим Ёкубов, Шарофат Юсупова, Татьяна Ким, Жумабой Ахмедов каби истеъдодли ўқитувчиларидан иборат жамоа ҳар бир сабоқ ўқувчилар қалбида жой олиши учун ўз маҳоратларини аямадилар. Устоз-шогирд Бобожон Сапаев ва Хусаин Машариповлар республика ва халқаро ёш ижрочилар кўрик-танловлари ғолиблари бўлишди. Машҳур виолончелист Аминбой Сапоевнинг шогирди Комил Мусаев ёш скрипка ва виолончел чолғуларининг биринчи халқаро танловида ғолиблар сафидан жой олди. Чанг синфи ўқитувчиси Зокир Отамуродовнинг шогирди Қудрат Жуманиёзов қўлга киритган муваффақиятлар ҳам улкан эътирофларга сазовор бўлди.

1986 йилда Озарбайжон Республикаси Боку шаҳрида ўтказилган Узеир Хожибеков номидаги 1 халқаро кўрик танловида қатнашган ўқитувчи Бобожон Сапоев танлов лауреати бўлди. 1987 йилда эса Б.Сапаев ҳамдўстлик давлатлари 2 халқаро фестивали лауреатлигини қўлга киритди. Қадамбой Мусаев

раҳбарлик қилган чорак аср давомида билим юртига ёш ўқитувчилар кўплаб жалб қилиндилар. Куш қанотига суянгани янглиғ, директор Эркин Нажмитдинов, Мехринисо Нурлаева каби ўринбосарларига ишонди, таянди. Ўз навбатида бу устозлар ҳам зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, таълим-тарбия равнақига, маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилишга, ўқувчилар орасида илмдорларни кашф этишга, рўёбга чиқаришга бош-қош бўлдилар.

Билим юрти жамоаси томонидан тайёрланган Комил Яшин ва Тўхтасин Жалиловнинг “Нурхон” мусиқали драмаси кенг жамоатчилик томонидан илиқ қарши олинди. Унга режиссёрлик қилган М. Нурлаева ўқитувчи ва ўқувчилар орасида энг иқтидорлиларини танлаб олганлиги, ўз навбатида ижрочилар ролларини моҳирона ижро қилишгани туфайли “Нурхон” томошабинлар эътиборига янги талқинда ҳавола қилинди. Оммавий ахборот воситалари орқали спектакл тўғрисида илиқ фикрлар айтилди.

“Нурхон” ижодий жамоа учун тажриба мактаби вазифасини ўтади. Шундан сўнг сахналаштирилган “Захарли ҳаёт” мусиқали драмаси ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ҳар иккала асар ҳам симфоник оркестр жўрлигида намоёиш қилинди. Бу эса спектаклларнинг янада тўлақонли чиқишини, томошабин қалбига чуқур кириб боришини таъминлайди.

1990 йилда билим юртида “анъанавий ижро” бўлими фаолият бошлади. Бўлим талабалари 1992 йилда Бухоро шаҳрида ўтказилган анжуманда муваффақиятли иштирок этдилар.

2.БОБ. Мустақиллик йилларида коллеж фаолиятининг ривож (ИСТИҚЛОЛИМ – ИСТИҚБОЛИМ)

Истиқлол ҳар биримизнинг ҳаётимизда янги даврни бошлаб берди. Мустақиллик туфайли Хоразм санъати ўзининг иккинчи умрини бошлади, юртбошимиз, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан санъатга эътиборнинг юксаклиги ижод билан шуғуллунаётган, ўзини истеъдод соҳиби деб билган барча соҳа ходимларини руҳлантириб, чексиз илҳом бахш этаётгани сир эмас. Кейинги йилларда кўплаб санъаткорларимиз меҳнати, иқтидори давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, юксак унвонлар, мукофотлар билан тақдирланмоқда. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Нихол” мукофоти совриндори бўлаётган хоразмлик санъаткорлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Эндиликда биз буюк ва бетакрор санъатимизни янада юксалтириш, уни дунёга танитиш имконига эга бўлдикки, бу имкондан фойдаланиш юрагида ўти бор, қалби қайноқ ҳар бир санъаткор учун фарз ва қарздир. Билим юртининг ҳар бир ўқитувчиси, мураббийлар ўз фаолиятига ана шундай масъулият билан ёндошдилар.

Янгиланишлар, юксалишлар санъат даргоҳини ҳам четлаб ўтмади. Билим юрти республика раҳбариятининг, соҳа масъулларининг диққат эътиборида бўлди. Ёшларга санъат сирларини чуқурроқ ўргатиш мақсадида турли анжуманлар, учрашувлар, кўрик-танловлар уюштиришга эътибор оширилди.

1993 йилда республика санъат билим юртлари анъанавий ижрочилик бўлимлари ўқитувчиларнинг семинар-кенгаши Урганч мусиқа билим юртида ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фан, ўқув юртлари, кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Қ.Т.Азимов, Ўзбекистон халқ хофизи Ф.Мамадалиев, Ўзбекистон халқ артисти С.Т.Беняминов, Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси мудири Р.Қ.Қосимов, Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика маркази бош мутахассиси Б.Матёкубов ҳамда Республикадаги турдош билим юртларидан

вакиллар иштирок этдилар. Миллий анъанавий ижро йўналишини ривожлантириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ижрочиликнинг муҳим қирраларини ёшлар қалбига чуқурроқ сингдириш, Республикадаги барча билим юртларида анъанавий ижро йўналишини тўлиқ шакллантириш, миллий мақом ижросида ёшларнинг санъатимизга бўлган интилишларини рағбатлантириш, уларни миллий кадриятларимизга мухаббат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган анжуманда санъат билим юртларида “Мақом асослари”, “Ўзбек халқ мусиқа ижодёти ” фанларининг янгича услубда ўқитилишига доир, танбурчиларни ўқитиш жараёнида Хоразм танбур чизигини қўллаш ўқитувчи Р.Болтаев, ўзбек чолғуларида кўшнай, сурнай, буломон ўқитиш йўллари М.Матёкубов, дутор ўқитишнинг анъанавий йўллари М.Ёкубов бўйича маъруза ва таклифлар ўқитувчи ва ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Анжуман “Устоз-шогирд” йўналишига асос солди. Ушбу тадбир уч кун давом этиб, машҳур хофизлар Рўзмат Жуманиёзов, Фаттоххон Мамадалиев ёш ижрочиларга жўровоз бўлдилар. Бу эса ёш истеъдодлар учун улкан маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Ўз вақтида тадбир хусусида вилоят “Хоразм ҳақиқати” газетаси, республика матбуотида тахлилий мақолалар берилди.

1993 йилда билим юрти ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Республика ёш ижрочилар кўрик-танловида ўзбек халқ чолғулари бўлими талабаси Мансур Отажонов фаол иштирок этиб 3 даражали диплом билан тақдирланди. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иштиёқини оширди, мусиқа сирларини янада қунт билан ўқиб ўрганишга, тинмай ўз устида ишлаш, меҳнат қилишга ундади. Чунки ҳамма муваффақиятлар давомли бўлишини истарди.

1993-94 йилларда билим юрти ўқитувчилари сафига олий маълумотли мутахассис ёшлар келиб қўшилди. Давронбек Тиллаев, Ҳамдам Раҳимов, Алишер Машарипов, Алишер Тўраев, Равшан Аҳмедов, Қувондиқ Абдурасулов, Мақсуд Файзуллаев каби серқирра санъаткорлар ёшлик ғайратини ишга солиб, ўқувчиларнинг мусиқий билимини оширишларига, қизиқиш кўникмаларини

ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Улар билим юртига олиб келган янги об-ҳаво кўп ўтмай янги истеъдодларнинг юзага чиқишига сабаб бўлди.

2000 йилларда муваффақиятлар кўлами янада кенгайди. Жумладан, Тошкент ва Наманган шаҳрида 2003 йил март-апрел ойида санъат ўқув юртлари ёш ижрочиларининг XVII Республика кўрик-танловида 6 та ўқувчи совриндор бўлди. Ўзбек халқ чолғулари билими талабаси Ойбек Исмоилов қашқар рубоб йўналишида биринчи, Умид Ёқубов иккинчи ўринларни кўлга киритдилар. Анъанавий ижро бўйича Ҳамид Исмоилов танбур жўрлигида ижро қилган куй 3 ўринга лойиқ деб топилди. Абдумавлон Рўзметов доира йўналишида 3 ўринни кўлга киритди. Хонандалик йўналишида Анвар Бекчанов, кўшнайда Дилшод Давлетов ҳам 3 ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг бу ютуқларида педагоглардан Давронбек Тиллаев, Мансур Отажонов, Х. Полвонов, жўрнавотлардан Нигора Нажмиддинова, Ольга Ким, Ольга Цойларнинг хиссалари катта бўлди.

Таълим самарадорлигини ошириш, талабаларининг мукаммал ижрони эгаллашларини таъминлаш мақсадида “Энг яхши ижрочи” кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланди. Танлов ҳар сафар кўтаринки кайфиятда, байрамона руҳда ташкил қилиниб, ғолиблар муносиб тақдирланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилигининг ўн икки йилликига бағишлаб ўтказилган “Ўзбекистон – Ватаним маним” кўшиқлар байрамида жамоа аъзолари фаол катнашдилар. Иқтидорли талабалар Х.Собиров, С.Худайбергенов, А.Бекчанов, М.Сатторов, М.Жуманиёзов, О.Абдуллаев шаҳар ва вилоят босқичларида совринли ўринларини эгалашга муваффақ бўлдилар.

Умуман, ўқитувчиларнинг фидоий меҳнатлари туфайли кейинги йиллар ичида 44 ўқувчи республика, 2 ўқувчи республикалараро ва 2 ўқувчи халқаро кўрик-танловлар ғолиб ва совриндорлари бўлдилар. 2003-2004 ўқув йилида ўқув биноси қайта таъмирланди. Биринчи қаватда ошхона, ўқитувчилар хоналари, кутубхона, иккинчи қаватда 11 та гуруҳ дарс ўтиш хонаси, учинчи қаватда 5 та

гуруҳ дарс хонаси ва 13 та якка дарс ўтиш хонаси, тўртинчи қаватда 3 та гуруҳ дарс хонаси ва 17 та якка дарс ўтиш хоналари жойлаштирилди. Икки қаватли ўқув биносида эса 21 та якка дарслар учун хоналар, концерт зали, халқ рақслари хоналари, қишки спорт заллари, спорт майдончалари таъмирланиб ишга туширилди.

Ушбу янгиланишлардан сўнг, 2004-2005 ўқув йилида билим юрти коллеж мақомига эга бўлди. Бу ислохотлар ва давр талаби эди. Албатта, бу шунчаки, ном ўзгариши бўлиб қолмай, таълим жараёнини тубдан ислох қилишни тақоза этарди. Ҳодимлардан янгича педагогик технологиялар жорий қилиш, янгича ёндошувлар талаб этилди. Айнан шу паллада коллежга янги директор тайинланди. 2005-2006 ўқув йилда коллежга мусиқа санъати ривожланишига қатор йиллар беназир хиссасини қўшиб келаётган мохир изланувчан устоз Дурдибой Каримов директор этиб тайинланди. Янгиланишларга бош-қош бўлиш у кишининг зиммасига юклатилди.

Мустақиллик шарофати билан билим юртининг санъат коллежига айлантирилиши унинг нуфузи ортиб, имкониятлари кенгайишига сабаб бўлди. Бугунги кунда мингдан зиёд талабалар анъанавий ижро, ўзбек халқ чолғулари, пуфлама ва зарбли чолғулар, халқ рақслари, драма ва кино актёри, мусиқа назарияси, ранг-тасвир, кутубхонашунослик йўналишларидан сабоқ оладилар. Биз ушбу талабалар олдига қўйган талабларимизнинг асосийлари-етук санъаткор бўлиш, мумтоз санъатимизни асл холида келажак авлодга этказиш. Коллежимизда уларнинг етарли билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Ўқитувчи ва мураббийларимизнинг тажрибалари ҳам, истеъдодлари ҳам, билимлари ҳам етарли. Улар талабаларнинг етук билим олишлари, юксак маънавиятли инсон бўлиб етишишлари учун шарт-шароитларни мунтазам яхшилаш чораларини кўрадилар.

Билим юртининг коллежга айлантирилиши янги бурилишларни, янги муваффақиятларни кафолатлади.

“Таълим тўғрисидаги”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган ўқув дастурларини талабалар онгига чуқур сингдириш борасида ўқитувчилар ҳам тинмай меҳнат қилдилар. Талабаларга Ватан келажагининг янада порлоқ бўлиши, юрт тараққиёти етук ва малакали кадрларга боғлиқлигини тушунтириш, қолаверса, бундай мутахассисларни тайёрлаш ўқитувчилардан улкан масъулият талаб қиларди. Бу жараёнда янги педагогик технологиялар қўл келади, таълим самарадорлиги оширилди. Устозларнинг улкан меҳнатлари эвазига талабалар вилоят ва республика санъат кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритдилар.

Мухтарам Президентимизнинг “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз” деган пурхикмат сўзлари келажак жамоасини янги муваффақиятларига ундади. Тўғри-да, таълим олиш, санъат сирларини чуқур ўрганиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлса, бундай имкониятга фақат муваффақият ва ютуқлар, талабалар билан жавоб қайтариш ярашади.

Коллеж талабалари худди шундай қилдилар.

Комил Мусаев Германияда бўлиб ўтган Шизвинг-Голштейн фестивалининг мутлоқ ғолиблигини қўлга киритди.

Мадад Худойберганов – Ашхободда ўтказилган халқаро мусиқачилар кўрик-танлови ғолиби бўлди.

Очилбек Матчонов – Украинанинг Хмелинский шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ёшлар фестивалининг Гран При совринига сазовор бўлди.

Шавкат Матёкубов – Неаполь (Анталия) шаҳрида ўтказилган ёшлар фестивалида совринли ўринни қўлга киритган.

Коллежимизда фаолият кўрсатаётган фортепиано, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий ижрочилик бўлими ўқувчилари мусиқий танловларнинг мазмунли ва юқори савияда ўтишини таъминламоқдалар. Ўқув йиллари давомида Ўзбекистон Республикаси Президентинг маънавиятга оид барча асарлари, қарорлари мунтазам равишда

чуқур ўрганилиб келинмоқда. Миллий истиқлол ғояси ва асосий тушунча тамойиллари, туб негизлари тўғрисида маърузалар, семинарлар, буюк аجدодларимиз асарларига бағишланган кечалар мазмунли ўтказилишига ва ёшлар қалбидан жой эгаллашига эришилмоқда. Таълим масканини тубдан ривожлантиришда, коллеж ҳаётида маънавий-марифий ишларни янгича тус олдиришда, ўқуб-тарбиявий ишларни тубдан услубини ўзгартиришда ўзининг билим ва кўникмаларини, маҳоратини ишга солган ҳолда иш олиб борди. Хоразм мусиқа санъатини ноёб дурдоналарини тарғиботини оширди. Коллежда дастлаб, халқ чолғулари асбоблари, анъанавий ижро бўлими, дамли ва пуфлама чолғулари, торли ва фортепиано, халқ рақслари, хор дирижёрлиги, ашулачилик, мусиқа назарияси, вокал бўлимлари ташкил қилинган бўлса, Д. Каримов бошчилигида актёрлик санъати, ранг-тасвир рассоми, овоз оператори ва режиссёрлиги каби бўлимлар ташкил қилинди. Ўқувчилар давлат ва жамоат тадбирларига кенг жалб қилинмоқда. Мустақиллик, Наврўз, умумхалқ байрамларида янги дастурлар билан чиқишлари халқимизга манзур бўлмоқда. Шу билан бирга, турли кўрик-танловларда ғолиблик шохсупасидан жой олмоқдалар.

2005 йил республикамизда бўлиб ўтган мусиқий кўрик-танловида Ж.Собиров (афғон рубоби), М.Жабборов (танбур), С.Назаров, О.Абдуллаев (хонанда) 2 ўринларни қўлга киритишди. Бунда ўқитувчилардан Ў.Мадраимов, Д.Давлетов, Х.Исмоилов, жўрнавотлардан Ольга Цой, Анна Мамедова, Ольга Кимларнинг кўмаги катта бўлди.

2.1. Фаолиятда эришилган ютуқ , муаммо ва ечимлар хусусида

Жамият тараққиётининг барча давларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши умуминсоний кадриятларнинг уйғунлиги асосида белгиланади. Ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бақувват, миллий масъулият туйғусини англайдиган ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказган мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Миллий тарбия умуминсоний кадриятлардан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Тарбия кўрган кишилар умуминсоний кадриятларини қанчалик кўп ўзлаштирган бўлсалар, шунчалик миллий кадриятларга эга бўладилар. Зеро, миллат мавжуд экан, унинг маънавий камолоти билан боғлиқ тарбиянинг ўзига хос миллий усуллари мазмуни ва йўналиши ҳам такомилланиб бераверади. Халқимиз азал-азалдан бой мусиқий меросга эга, бебаҳо кадриятларимиз беқиёс меросимиз жаҳонни ҳайратга солган мумтоз мусиқа санъатимиз мавжуд. Миллий тарбия туфайли, жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг янгиланиш жараёни энг аввало маънавий ҳаётда кўзга ташланади. Ёш авлодда иймон, виждон, поклик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик ҳислатларини тарбиялаш, таълим-тарбия соҳасида умуминсоний кадриятлардан фойдаланиш ўқувчиларни миллий руҳда тарбиялаш ҳам мусиқий таълимнинг асосий мақсади ҳисобланади. Миллий истиклол мафкурасининг негизида эса, ёшларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш ётади. Ўқувчиларни миллий ғурур, миллий онг, миллий тафаккур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, мустақиллик руҳида тарбиялашни тақозо этади. Унинг моҳиятини белгилашда ўқувчиларни умумий маданий савияси, маънавий камолотининг даражаси, миллий онгги, миллий ифтихор ва миллий ғурур туйғуларини англашнинг етуклиги муҳим аҳамият касб этади. Маънавий етук миллат, кадриятларини тўғри баҳолашга ва уни янада риожлантириш имконига эга бўлади. Демак, жамият маънавиятининг ўсиши кадриятлардан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитларни яратиб берибгина қолмасдан, кадриятларни янада ривожлантириш учун имкониятлар

яратиш, уни бойитиш талаб этилади. Қадриятлар ҳақидаги таърифдан келиб чиқиб, умуминсоний қадриятлар тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Миллий қадрият – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шаклидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Миллий ғурур – бу туйғу миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, ўз элига миллатига жонкуяр бўлиш, халқ урф-одатларини анъаналарини, қадриятларини ҳурмат қилишда намоён бўлади.

Миллий онг – маънавий баркамолликка эришиш инсоннинг бутун онгли ҳаёти давомида амалга ошириб борилади. Таълим орқали, боланинг онгига ҳаётга қизиқиш ва ҳавас, келажакка ишонч туйғулари сингдирилади.

Миллий ифтихор – бу миллатнинг тарихи, ўтмиши, урф-одатлари, қадриятлари, анъаналари, маданияти яшаш тарзидан ғурурланиш демакдир.

Таълим – тарбия жараёнида маънавий қадриятлар ижтимоий-тарихий ҳодисани ифодалайди. Маънавият – миллий урф-одатлар, тарбия анъаналари, ахлоқ-одоб ақидалари, эътиқод, маданий-маърифий жараёнлар мажмуасидир.

Маънавий қадриятлар – бу фалсафий ва ижтимоий тушунчалар бўлиб, инсонни ўраб олган атроф-муҳитни амалий жиҳатдан ўзлаштириш натижасида вужудга келади ва муайян тартибда тушурилган билимлар шаклида намоён бўлади. Таълим – тарбия жараёнида маънавий қадриятлар ижтимоий, тарихий ҳодисани ифодалайди. Умуман, хулоса қилиб айтганда, бугунги ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялашдан мақсад, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш билан бирга, жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий салоҳиятини кўтаришга хизмат қиладиган ёш авлодни вояга етказишдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбияни миллий шакллантиришга ва ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Миллий тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун, фалсафа,

адабиёт, этика, эстетика, музика, физиология, педагогика –психология каби фанлардан фойдаланади.¹

Миллий тарбия назарияси педагогиканинг умумий асослари: таълим назарияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан узвий боғлангандир.

Миллий тарбия ҳаётнинг моҳияти ички алоқа ва муносабатларини акс эттиради. Бугунги кунда шунчаки билим эгаси бўлган ёшлар эмас, балки ижодкор, истеъдоди билан ажралиб турувчи ўқувчиларни тарбиялаш замон талабидир. Мактабда таълим олиш даврида миллий тарбия ўқувчиларни турли қобилиятларини (ғоявий, ахлоқий, эстетик, иродавий ҳислатларни) ривожлантиради. Табиатга, жамиятга қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари янада мустаҳкамланади. Боланинг ёши улғайган сари бу фаоллик тобора кўпроқ мустақил хусусиятга эга бўлиб бораверади. Табиат жамият ва турмушда учрайдиган ҳодиса ва шароитларни тушунишга ҳам идрок этиб, ўз ишига ва атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлишга ҳам кўника бошлайди. Шуларни тўғри тушунган Урганч санъат коллежи жамоаси хусусан “Халқ чолғулари” бўлими бугунги кунда ўз ўрнига, мавқеига, салоҳиятига эга жамоалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳукумати мустақилликнинг илк йилларидан таълим-тарбияга алоҳида аҳамият бериб, миллий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласига жиддий эътибор билан қараб, “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунлари (1997 йил, 29 август) ни қабул қилди. Ўтган давр мобайнида Урганч санъат коллежи жамоаси ижобий ишлар, ютуқлар, тажрибаларни қўлга киритди. Республикамиз ва ундан ташқарида самарали фаолият юритаётган кўплаб битиррувчилар Ўзбекистон музика санъатига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Уларнинг фаолиятларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш учун музикаий таълим ва тарбия, ижрочилик мактаблари шаклланиши, ўқув дарсликларининг бу ишдаги ўрни

¹ .Миновваров. «Педагогика» Т. 1998

ҳақида имкониятимиздан келиб чиқиб, мулоҳаза юритамиз тақлифлар белгилаймиз. Ушбу ўқув масканини мен ҳам битириб чиққаман, коллеж жамоаси фаолияти билан яқиндан танишман шу боис ушбу мавзунини ёритишга ҳаракат қилдим. Таниқли созандалар ижроси, фаолияти, ижоди ва бугунги кундаги ёшларнинг санъат йўналишидаги, турли танловлардаги иштироки, ўрни, вазифалари, ўзлаштириш кабилар Урганч санъат коллежи жамоаси фаолиятида ҳам муҳим ўринга эга.

Дунё бўйлаб тарқалаётган ахборотларнинг кўпи маълум мақсадларга хизмат қилаётгани сир эмас. Бундай шароитда давлатимизнинг биринчи Президенти ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим, деган кўрсатмаси жуда аҳамиятлидир. Бугун маданий-маърифий машғулотларда, тадбирларда ўқувчи-ёшларда ишонч-этиқодни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги замон талабидир. Таълим-тарбияга аҳамият бериш, бўлажак санъаткорларни тарбиялаш соҳасида мустаҳкам пойдевор қўйиш шу каби ўқув юртларидан бошланади. Муסיқий ижрочилик, муסיқий-назарий фанларни эгаллаш, таълим-тарбияга оид ишлар юзасидан фикр юритдик.

2.2. Коллеж жамоасининг жамоат тадбирларидаги фаолияти

Таълим соҳасида бошланган ислохотлар билим юрти фаолиятида ҳам акс эта бошлади. Талабалар билимини, санъатга бўлган интилишларини ривожлантириш мақсадида фақат якка таълим берилибгина қолмасдан, оркестр санъатини ривожлантиришга ҳам алоҳида масъулият билан ёндашилди.

Куй мумтоз бўладими, замонавий услубдами, ҳар бири ўзига хос ижро талаб қилади. Созанда қай услубда куй ижро этмасин, ўз ишига меҳр, завқ-шавқ билан ёндошиши шарт. Буни устозлар қўл остидаги таълим олувчи ёшларга пухта ўргатиб келмоқдалар.

Устозлар сабоғини кулоққа илиб, қалбига муҳрлаган шогирдлар истеъдоди эътибордан четда қолмайди. Мана, неча йилдирки, талабалар катта анжуманларда, мустақиллик ва “Наврўз” байрамларида оркестр ижросида куй ва қўшиқларини халқимизга тақдим этиб келадилар.

Оркестр – улкан жамоа. Унда фаолият кўрсатиш учун серқирралик, изланувчанлик талаб қилинади.

Билим юрти оркестрда ана шундай интилувчан ижодкорлар жамланди. Шу боис ҳам, қардош халқлар мусикасини ўқувчиларга ўргатиш, ижро этиш, халқона куй ва қўшиқларини оркестрда қайта ижро қилишда муваффақиятларга эришилди. Шинавандалар муҳаббати қозонилди. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб қарши олиш, нишонлаш билим юрти жамоасининг улкан мақсадларидан бирига айланди. Шу ниятда янги куй-қўшиқлар яратилди, рақслар саҳналаштирилди. Айниқса, мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида саҳналаштирилган “Ассалом Наврўз” байрам дастури катта муваффақият қозонди. “Гул ва Наврўз” номли адабий-бадий композиция куйлари оркестр орқали жонли ижрода томошабинларга тақдим қилинди. Бадий раҳбар Қадамбой Мусоев, рақсларни саҳналаштирувчи улкан тажрибага эга педагог Гулхоним Бобожонова, Шоназар Ботиров меҳнатлари вилоят ҳокимлиги томонидан алоҳида тақдирланди.

Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тантана қилиниши ҳақидаги хушхабар билим юрти жамоасини ҳам илҳомлантириб, тўлқинлантириб юборди. Юрт озодлигини ўз ҳаётидан устун қўйган улкан шахс таваллуд кунига бағишланиб катта концерт дастури намоиш қилинди. Ўзбек адабиёти ва санъати ривожига муносиб улуш қўшган улкан шоир Огаҳий хазратларининг 190 йиллиги ҳам кенг қамровли кўтаринки руҳда нишонланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тақлиф этилган кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, ноёб, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган янгича

илмий тафаккурга асосланган таълим тизимининг ҳаётга тадбиқ қилиниши ёш авлодни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Эндиликда бу тизим ўзини оқлаб, жаҳон ҳамжамиятининг улкан эътирофига сазовор бўлмоқда. Нафақат бугунги кунимизни, балки келажагимизни ўйлаб амалга оширилган ислохотлар ёшларнинг ўй-фикрларида, орзу-интилишларида акс садо бермоқда.

Юртимиз раҳбариятининг донишмандона фикр-мулоҳазалари, таклифлари билим юрти устоз мураббийларини ўз вазифаларига янгича масъулият билан ёндошишга ундади. Маънан етук, пок ахлоқли, интеллектуал даражаси юқори, дунёқараши кенг мутахассисларни тайёрлаш жамоанинг улкан мақсадига айланди. Ушбу масъулиятли машаққатли вазифаларини амалга оширишда ўз билим ва тажрибасини, маҳоратини аямасдан меҳнат қилган ўқитувчилардан Д.Тиллаев, О.Хўжаев, А.Машарипов, Ф.Мўминова, М.Нурлаева вилоят ҳокимлиги томонидан ташаккурнома ва ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Истиқлол ўзбек санъатида янги, саҳифалар очилишига сабаб бўлганлигини айтиб ўтган эдик. Бу, ўз навбатида, ёш мусиқачилар учун ҳам яратилган кенг имкониятдир. Ислохотлар, барча соҳалар қатори таълим ва санъатини бирдай қамраб олади. Президентимиз раҳнамолигида бир қанча санъат даргоҳлари таъмирланди ва янги услубдаги ўқув қошоналари қад кўтарди.

Жумладан, Урганч мусиқа билим юрти ҳам таъмирдан чиқарилиб, янгича ускуналар, жаҳон андозасидаги мусиқа асбоблари билан таъминланди.

Билим юрти ўқитувчилари сафи Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат маданият институти, Низомий номидаги педагогика университетининг мусиқа факультетини тугатган ёшлар билан тўлдирилди. Улуғбек Боғибеков, Умаржон Раззақов, Умид Ёкубов, Дилшод Давлатов, Миркарим Каримов, Зилола Нурлаева, Нодира Нажмиддинова, Зеваржон Рўзимова, Умида Мадрахимова, Ўринбой Жабборов, Хасан Полвонов, Мақсуд Салаев, Шерзод Эрназаров, Айна Мамедова, Аксана Сапаева, Райхон

Жумабоева, Дилором Юсупова, Зулайхо Абдуллаева, Бекпошша Ёкубова, Хушнуд Юсупов каби олий маълумотли мутахассислар билан бойиди. Улар билим юртига улкан мақсадлар, орзулар билан келган ёшларнинг етук созанда, хонанда бўлиб этишишлари учун ўз билим ва истеъдодлари билан улуш қўшдилар. Бу эса ўз навбатида нафақат билим юртида, балки воҳада ижодий юксалишларга сабаб бўлди. Натижада миллий маданиятимиз янги поғонага кўтарилди, десак, муболаға бўлмайди. Ахир, мусиқа инсоннинг рухиятига таъсир қилади, уни гўзаллик оламига етаклайди. Қўшиқ бизга мадад, далда бўлади. Машхур хонанда, бастакор, билим юртининг собиқ талабаси Рахматжон Қурбонов айтганидай қўшиқ ғамгин бўлиб ўтирган инсонни йиғлатиб, кўз ёш қилдириб, шу дарддан холос қилдиради. Мусиқа бор йўғи 7 та товуш: до, ре, ми, фа, соль, ля, си дан иборат. Шу 7 та товушдан дунёдаги барча халқлар, миллатлар ўзининг миллий куй қўшиқларини яратади. Истиклол йилларида миллий мусиқамизга, уни ривожлантиришга, ёшлар қалбига чуқур сингдиришга эътибор ошди. Билим юрти жамоаси ва уни тамомлаган мутахассислар, талабалар бу борада масъулиятни ўз зиммасига олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини муносиб нишонлашига қаратилган қарори ижросини таъминлашга коллеж жамоаси ўз улушини қўшди. Тантанали маросимда халқ чолғулари, халқ рақслари, торли асбоблар бўлимлари талабаларнинг концерт дастурлари намойиш қилинди. Ушбу фидоийлик республика маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ташаккурномасида эътироф қилинди.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Маданият ва туризм ишлари маслахатчилиги, Тошкент давлат консерваторияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан 2006 йил 22 ноябрда “Куз наволари” мусиқий фестивали ташкил қилинди. Ушбу фестивалда коллежнинг “Наврўз” ансамбли, доирачилар дастасининг нафосатли чиқишлари

томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси раиси, бастакор Рустам Абдуллаев, Фарход Алимов (марҳум), Мустафо Бафоев, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, “Офарин” мукофоти сохиби бастакор Дилором Омонуллаева, Муҳаммад Отажонов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Хабибулла Рахимов, Ўзбекистон хизмат кўрсатган артистлар, фортепиано ижрочиси Адиба Шарипова, Шукур Ғофуров, туркиялик Ячин Тўра, Хасан Ниязи Тўраларнинг концерт дастуридаги чиқишлари ёш ижрочи талабаларни янада кучлироқ ўқишга, интилишига ундади.

Шу йилларда машхур хофиз Хожихон Болтаев, ва Ўзбек мусиқа санъатининг булбули, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов (1917-1975) таваллудларининг 100 йиллиги муносиб нишонланди. Коллежнинг собиқ талабалари, Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Қурбонов, хушовоз хонанда Азамат Отажонов билан учрашув суҳбатлар уюштирилди. Республика бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев билан ўтказилган давра суҳбати бўлажак мутахассисларда улкан таассурот қолдирди. Ўзбекистон Қаҳрамони Аноржон Махмудова, Сония Менглиевлар билан учрашувларнинг маънавий ва тарбиявий аҳамияти катта бўлди. Талабалар ДилфERRUЗ Хожихонова, ўқитувчилар Нурулла Матсаидов, Мансур Отажонов ижросидаги куй-қўшиқлар вилоят телевиденияси орқали намойиш қилиниши ўқувчиларни улкан муваффақиятларга етаклади, уларнинг издошлари сони кўпая борди. “Очиқ эшиклар” куни тадбирлари ҳам санъатга қизиқувчи халқимизда чуқур из қолдирди. Анъанавий тарзда “Энг яхши ижрочи”, “Моҳир китобхон” каби кўрик-танловларининг ўтказилиши талабаларнинг санъатга бўлган ихлосларини янада кучайтирди. Ўқув даврида Президент И. Каримов маърузалари, республикамызда амалга оширилаётган ислохатлар мазмун-моҳиятини талабалар онгига чуқур сингдиришга бағишланган илмий анжуманлар ҳам кўплаб уюштирилиб келинмоқда.

“Маънавий-маърифий, маънавият дарслари, тарбиявий соатлар, викториналар, мулоқотлар орқали ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, ҳар томонлама билимларини ошириш бош вазифамиз бўлди”, – дейди узоқ йиллар коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган Мехринисо Нурлаева. Президентимиз И. Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”, асарлари, Ўзбекистон Республикасида “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинишдан кўзланган мақсад, бу қонун билан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни ҳимоя қилиниши пухта ўрганилди.

Маънавий-маърифий тадбирларининг таъсирчанлигини оширишда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Мехринисо Нурлаева, психолог Гулнора Юсупова, коллеж кутубхонаси бош мутахассиси, 30 йиллик тажрибага эга Замира Абдуллаева ҳамда истеъдодли талабалардан Хикмат Матёкубов, Нодира Бекчанова, Умид Менглиев, Қундуз Муротова, Гулором Кенжаев, Хилола Қурбонова, Хўжаниёз Отажонов, Баҳром Собировлар самарали ҳисса қўшганлар.

3.БОБ. УРГАНЧ САНЪАТ КОЛЛЕЖИ: КЕЧА ВА БУГУН

Ёш авлод маънавиятининг шаклланишида кекса авлод вакиллари билан ўтказилган учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти;

(Эл ардоғидаги санъаткорлар, собиқ талабалар билан олиб борилган учрашувлар ва маҳорат дарслари мисолида).

Ҳар бир бўлажак мутахассис давлат таълим сатандартлари асосида етарли билим олишини таъминлаш коллеж педагогик жамоатчилиқ бош мақсадига айланди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигидаёқ коллеж талабалари янги ўқув

қўлланмалари билан тўлиқ таъминланди. Илм маскани янги техник жихозлар билан тўлдирилди. Шу билан бирга, талабаларга ҳар бир фуқаро жамият, маҳалла, оиласи олдидаги бурч ва мажбуриятларини хис этган ҳолда яшаши кераклиги тушунтирилиб борилади.

“Миллий истиқлол” мафкурасининг бош ғояси бўлган “Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этиш” йўлида биз кўзлаган олий мақсадимиз ёш авлодни жисмонан, маънан соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдан иборат, - дейди тажрибали педагог Мехринисо Нурлаева.

Коллежнинг ўқитувчилар ва ўқувчилардан ташкил топган оркестри Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган дамли созлар хаваскор оркестрининг республика кўрик-танловида қатнашиб, 2-даражали дипломни қўлга киритди. Сафар жараёнида “Қатағон қурбонлари” тарихий ёдгорлик мажмуаси зиёрат қилинди. Ушбу тадбирга ўқитувчилардан Мақсуд Собиров, Нуриддин Мўминов, Мақсуд Файзуллаевлар бошчилик қилдилар.

Ўқувчи-талабалар истеъдодини рўёбга чиқаришда коллежда уюштирилаётган маънавий-маърифий, маданий тадбирларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Коллежнинг собиқ талабалари - Ўзбекистон халқ артистлари Муяссар Раззоқова, Санъат Девонов, Эргаш Каримов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Роза Каримова, Шукур Ғофуров, Оғабек Собиров, истеъдодли хонандалар Зафар Қурбонбоев, Улуғбек Бобожонов, Рустам Бобоев, Мурод Қиличевларнинг турли йиллардаги коллежга ташрифлари, талабалар билан қурган самимий суҳбатлари, концерт дастурларини намойиш қилишлари ёшларни илҳомлантиради, ўз устида ишлашга, изланишга, меҳнатсеварликка ижрочилик маҳоратларини оширишга ундайди. Композитор Муҳаммадjon Отажоновнинг очиқ дарс жараёнларидаги мусиқали учрашувлари ҳам талабаларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон халқ чолғулари “Сўғдиёна” камер оркестрининг ташрифи ҳам ўқувчилар томонидан қизгин кутиб олинди. Масалан. концертда Германиялик созандалар Б. Шёнлебер (фортепиано) ва Ян Шульте-Бунерт (саксафон) иштирок этиши, ўзбек ва немис халқ музыкалари ижросида И. Бах, Моцарт, Л. Бетховен асарлари ижро этилиши ҳам мазмунли бўлди.

Кейинчалик корейлик, америкалик санъаткорларнинг учрашув концертлари уюштирилиши, музыка тили барча халқлар учун баробарлиги, турли халқлар музыкасини таржимонларсиз ҳам тушуниш мумкинлиги яна бир бор ўқувчилар тасдиғидан ўтди. Ўз навбатида коллежнинг ўқувчи-талабалари чет эллик созандалар билан тенг, ҳатто юқори савиядаги ижролари билан меҳмонларни лол қолдирдилар. Бундай натижалар коллеж жамоаси тўғри йўлдан илдам бораётганлиги, ижрочилик маданиятларининг ошаётганлигидан далолат беради. Коллежнинг аҳил жамоаси изланиш, катта ижодий меҳнат эвазига йилдан-йилга юқори натижаларга эришмоқда, битирувчилари Олий ўқув юртига кириб ўз билимларини оширмоқдалар, юртимиз довруғини ёйишга интиломоқдалар. Коллеж жамоасининг кейинги ишларига ҳам омадлар тилаймиз, ютуқлар кўпаяверсин, деймиз.

3.1. Ёш авлод маънавиятининг шаклланишида кекса авлод вакиллари билан ўтказилган учрашувларнинг тарбиявий аҳамияти (эл ардоғидаги санъаткорлар -с обик талабалар билан олиб борилган учрашувлар, маҳорат дарслари мисолида).

3.2. Санъат коллежининг самарали фаолиятига бош бўлган раҳбарлар хақида

Ҳар бир идора ва ташкилот, муассаса равнақи унинг раҳбари салоҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Урганч санъат коллежининг бугунги даражасида, мамлакатимиз маданий ҳаётида ўз ўрнини топишда унинг раҳбарлари, директорларининг хизмати катта. Навбатдаги сўзимиз улар тўғрисида.

Рахмон ОЛЛАБЕРГАНОВ (1910-1986)

Урганч музика билим юрти асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.



Рахмон Оллаберганов 1910 йилда Хива шаҳрида санъаткорлар оиласида таваллуд топган. Болаликдан музикага меҳр қўйган ўспирин 1923 йили Хивадаги мактабнинг скрипка бўлимида таҳсил олади. Ўша пайтлари замонавий музика илмини эгаллаган ёшлар камчилигини ташкил қиларди. Рахмон Оллабергановдаги интилиш ва истеъдодни пайқаган мутасаддилар уни 1928 йилда Самарқанд шаҳрида янги очилган музика ва хореография институтига ўқишга юборишади. М. Ашрафий, М. Бурхонов, М. Насимов, Т. Содиков, М. Левиёв, Ш. Рамазонов каби ёрқин истеъдод соҳиблари билан бир сафда таҳсил олган Рахмон олий ўқув юртини тамомлагач, ўз ҳаётини Хоразм музика санъатини ривожлантиришга бағишлайди. Рахмон Оллаберганов 100 дан ортиқ турли характердаги қўшиқлар, болалар учун асарлар яратган. 1962 йил Рахмон Оллабергановнинг сайёҳи-ҳаракатлари билан Матюсуф Харратов номидаги музика билим юрти ташкил этилди. Биринчи ғишт пухта қўйилсагина, девор мустаҳкам бўлади дейдилар. Ўзи асос солган билим юртининг оёққа туриши, юртимизда музика илмининг ривожини учун директор

лавозимида фаолият юритган Рахмон Оллаберганов кўп меҳнат қилди. Билим юрти санъат кошонаси, бастакорларнинг устози сифатида у минглаб қалблардан жой эгалаган инсон. Рахмон Оллабергановдан нафақат билим юрти ва кўплаб шогирдлар, балки ажойиб фарзандлар ҳам қолди. У кишининг ишларини ўғли Исмоил Оллаберганов давом эттириб, бир неча йиллар болалар мусиқа мактабида директорлик вазифасида ишлади, ёшларга таълим-тарбия бериб, мусиқа илми ривожига ўз улишини қўшди.

Рахмон Оллаберганов улкан хизматлари учун “Ўзбекистон хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвони билан тақдирланган.

Матниёз ЮСУПОВ (1925-1992)

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, (1967-1972 йилларда билим юрти директори бўлган).



Мусиқани ҳаёт мазмуни деб билган, илми ривожини учун борлигини бахшида қилган инсонлардан бири Матниёз Юсуповдир. У 1925 йилнинг 1 январидида Урганч туманида туғилган. Ёрқин иқтидор соҳиби бўлганлиги туфайли 15 ёшида вилоят эстрадасига мусиқачи бўлиб ишга кирази. Биринчилар сафида иккинчи жаҳон уришига отланган М. Юсупов 1943 йили ногирон бўлиб, бир оёғидан ажралиб қайтади. Уни вилоят театрига ишга таклиф қилишади. Бу ерда Худайберган Мухраканинг ўғли Матпано отадан Хоразм мақом йўлларини ўрганади. У моҳир ғижжакчи сифатида ҳам танилади. 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишга кириб, бу даргоҳни муваффақияти тамомлаб, 1955 йили Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик факультетига ўқишга кирази. Уни композитор Зейдман раҳбарлигида 1960 йили тугатади. Матниёз Юсупов консерваторияда ўқиб юрган йиллари драма асарларига мусиқа басталайди.

1961 йили унинг “Ғазал фожияси” музыкаий асари сахналаштирилади. Шунингдек, Ҳамид Ғуломнинг “Дил кўзгуси”, Умар Айёмийнинг “Тун ва Нохун”, Хайитмат Расулнинг “Муқаддас диёр” ва бошқа қатор драмаларига куйлар басталади. У устозлардан ёзиб олган Хоразм мақомларининг 1-2 жилдларини 1959-1960 йиллари чоп эттирди.

Матниёз Юсупов 1961 йилдан бошлаб, Ўзбекистон радиосида катта муҳаррир, ундан кейинги йилларда М. Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида ва А. Қодирий номидаги Тошкент маданият институтларида (ҳозирги ЎзДСМ институти) устозлик қилиб, профессор илмий даражасини олади. Улкан олимнинг М. Харратов номидаги музыка билим юртига директор қилиб тайинланиши унинг равнақида муҳим аҳамият касб этди. М.Юсуповнинг энг баракали ижод маҳсули сифатида 5 жилдли “Хоразм мақомлари” 1980 йили чоп этилган.

Бастакор 1992 йилда вафот этган. У кишидан қолган улкан музыкаий мерос, дарсликлар бугун ҳам музикачиларнинг камолга етишишида муҳим аҳамият эга бўлиб, хизмат қилиб келмоқда.

М. Юсуповнинг самарали меҳнатлари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” юксак унвони билан муносиб баҳоланган.

Абдушариф ОТАЖОНОВ

1972-1980 йилларда билим юртига директорлик қилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Бастакор А. Отажонов 1924 йилда Хива шаҳрида туғилган. Тошкент давлат




консерваториясини тамомлаган. Кўплаб шеърларга музыка басталаб, халқ қалбидан жой олган кўшиқлар яратган. У киши куй басталаган, сахна асарлари узоқ йиллар Огаҳий номидагии театр сахнасида намоиш қилиниб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Хоразм мусиқаси, санъатининг ривожда А. Отажоновнинг муносиб ҳиссаси бор. А. Отажонов билим юрти тарихига янгича бурилишлар ясаган директор сифатида ёзилиб қолган. У кишининг раҳбарлигида рақс бўлими ташкил қилинди, камер ансамблга асос солинди. Вокал, хор ижрочилиги ривожланди. Бу бўлимларда фаолият кўрсатиш учун кўплаб олий маълумотли мутахассислар, Тошкент давлат консерваториясини тамомлаган кўплаб ёшлар ишга таклиф қилинди. Улар учун муносиб иш шaroитлари яратиб берилди. Талабаларнинг етарли билим олишлари учун китоб фонди, дарсликлар ҳажми кенгайди, кўплаб мусиқий асбоблар келтирилди. А. Отажонов Огаҳий номидаги театр директори, мусиқа раҳбари сифатида театр саҳнасида мумтоз асарлар ижро этилишини таъминлади. Кўплаб ёрқин истеъдодларни излаб топди, уларни қўллаб-қувватлади. “Марҳабо талантлар” Республика кўрик-танловига ёш ижрочиларни тайёрлашдаги меҳнатлари алоҳида таҳсинга сазовордир. У кишининг меҳнатлари навосоз юракларда абадий яшайди.

Қадамбой МУСАЕВ

1980-2005 йилларда билим юрти директори бўлиб ишлаган.



Мусаев Қадамбой Раззоқович 1950 йилда Урганч шаҳрида зиёлилар oilасида таваллуд топади. 1979 йилда Тошкент давлат консерваториясининг виолончель синфини тугатиб, М. Харратов номли мусиқа билим юртига ишга юборилган. У ишга келиши билан мусиқа билимдони, малакали мутахассис, ташаббускор, узоқни кўра биладиган инсон сифатида ярқ этиб кўзга ташланди. Шу боис ҳам ёш мутахассисга 1980 йилда билим юртига раҳбарлик қилиш ишониб топширилади. Қ. Мусаев бу ишончни тўла оқлади. Ёш мусиқачиларнинг ҳар томонлама камол

топишига, муסיқа санъатини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. У директорлик қилган даврда назария ва амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Билим юрти жамоаси республикадаги барча маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиши таъминланди. Республика ва Халқаро миқёслардаги кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиблик шохсупаларидан жой олинди. Қ.Мусаевдаги ташаббускорлик, интилувчанлик фазилатлари кўплаб ёрқин истеъдодларнинг етишиб чиқишига туртки бўлди. У киши “раҳбарман” дея, буйруқ бериш билан чекланмасдан, амалий фаолияти билан ҳам бошқаларга ўрнак бўларди. Билим юртидаги симфоник оркестрни ўзи бошқариб, дирижёрлик қилгани бунинг ёрқин мисолидир. Қ.Мусаев “Тул ва Наврўз” балетига куй басталаб, мустақиллигимизнинг 10 йиллигига муносиб тухфа хозирлаган бастакор. Ёрқин истеъдодларни излаб топишга, уларни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратарди. Оғабек Собиров, Зафар Қурбонбоев, Миркарим Каримов, Улуғбек Худайбергенов, Мақсуд Худайбергенов, Комил Мусаев, Бобожон Сапаев каби ёш ижрочилар жаҳоннинг катта сахналарига чиқишида у кишининг хизматлари катта. У киши раҳбарлик қилган даврда 40 дан ортиқ Республика ва Халқаро кўрик-танлов ғолиблари етишиб чиққанлигининг ўзиёқ Қ.Мусаев ҳақида ижобий фикр уйғотади, унутилмас таассурот қолдиради. У кишининг ташаббуси билан 1985-1986 ўқув йилида янги ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса, билим юртининг чинакам санъат, эзгулик қононаси сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди. Шунга қараб, таълим самарадорлиги ҳам анча юксалди, ривожланди, ошди.

Моҳир педагог, жонқуяр устоз, фидоий раҳбар Қ. Мусаев 2011 йил 5 январда вафот этди.

Дурдибой КАРИМОВ

2005-2014-йилларда коллеж директори лавозимида фаолият юритган.

2005 йил августда коллежга мохир педагог, санъаткор Дурдибой Каримов директор этиб тайинланди. Д. Каримов 1951йилда Урганч шаҳрида таваллуд топган. Узоқ йиллар мусиқа мактабида директорлик қилиб, санъат ғунчаларининг кўз очишига муносиб ҳисса қўшган Дурдибой Каримов, санъат коллежига янги об-ҳаво олиб келди. У кишининг раҳбарлик фаолияти бошланиши ислохотлар даврига тўғри келди. Билим юрти коллеж мақомига эга бўлди. Шунга яраша янгиланишлар, ўзгаришлар рўй бера бошланди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга тадбиқ этиш борасида коллежда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада, коллежда ўз касбининг усталари, фидойиларининг янги таркиби жамланди, шаклланди. У кишининг ташаббуси билан замон талабалари ва эҳтиёжлар эътиборга олинган ҳолда, коллежда янги бўлимлар ташкил қилинди. Бу бўлимларга тажрибали мутахассислар, ўз соҳасининг билимдонлари ишга қабул қилинди. Эндиликда халфачилик, дostonчилик, актёрлик маҳорати, ранг-тасвир, овоз операторлиги, мусиқа назарияси бўлимларини тамомлаган ёш мутахассислар ўз соҳаларида фаолият кўрсатиб, юрт раvнақига ўз улушларини қўша бошладилар. Д.Каримов ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, фаоллигини ошириш мақсадида турли тадбирлар, танловлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратди. Қолаверса, коллежни мусиқа асбоблари билан тўла таъминлаш борасида улкан жонкуярлик кўрсатди. Ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида ётоқхона қурилишига бош-қoш бўлди. 2010 йилда барча қулайликларга эга ётоқхона ишга туширилди. У кишининг ташаббускорлиги, санъатга, ёш авлодга ғамхўрлиги туфайли коллеж ўқувчилари кўплаб танловларда фаол иштирок этиб, ғолиблик шохсупасидан жой олдилар. Вилоят, Республика миқёсидаги кўплаб маданий тадбирларда коллеж жамоаси муносиб иштирок этиб келмоқда. Буларнинг барчаси Дурдибой

Каримов яратиб берган шарт-шароитлар, ўқитувчи ва ўқувчилар олдига қўйган тўғри талаблар туфайлидир.

Нажметдинова Нигора

Нажметдинова Нигора 1977 йил 9 январда Хоразм вилоятида туғилган. У 1995 йил Урганч шаҳрида ўтказилган ёш ижрочилар Республика кўрик-танловида фортепиано мутахассислиги бўйича қатнашиб, 2-чи ўрин совриндори ва лауреатлик унвонига сазовор бўлди. Нажметдинова Нигора 1995 йилда М.Харратов номли Урганч музыка билим юртини фортепиано мутахассислиги бўйича битказди ва шу йилдан бошлаб ушбу билим юртида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Нажметдинова Нигора ўз иш фаолияти жараёнида ёш музикачиларга ноёб музика сирларини ўргатиш билан бирга чуқур билимли, салоҳиятли санъаткор сифатида танилиб келмоқда. У 1995 йилдан Урганч шаҳар М.Харратов номли билим юртида фаолият юритиб келади.

Нажметдинова Нигора ёш истеъдотли ижрочиларни тарбиялашга катта эътибор қаратиб, бу борада жўрनावоз сифатида Республика кўрик-танловлари лауреатларини тайёрлашда ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. 2001 йил Тошкент шаҳрида, 2003 йил Наманган шаҳрида, 2007 йил Тошкент шаҳрида, 2009 йил Карши шаҳрида ўтказилган Республика ёш ижрочилар кўрик-танловларида жўрनावоз сифатида қатнашиб, 4 нафар ўқувчиси кўрик-танлов совриндорлари ва лауреатликни қўлга киритдилар. 2011 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган Республика кўрик танловида ўқувчиси Раимов Журъат фортепиано мутахассислиги бўйича 2-ўрин соҳиби ва лауреатликни қўлга киритди. Нажметдинова Нигора нафақат Республикамизда, балки чет элдаги кўрик-танловларда ҳам жўрनावозлик қилиб келмоқда. 2012 йил Озарбайжон

Республикаси Баку шаҳрида ўтказилган кўрик-танловда жўрнавоз сифатида қатнашиб келди.

Бугунги кунда Нажметдинова Нигоранинг ўқувчилари Ўзбекистон Давлат Консерваториясида фортепиано мутахассислиги бўйича таълим олмоқдалар.

Нажметдинова Нигора вилоят миқёсида ўтказиладиган маданий тадбирларда фаол қатнашади. Шаҳар ва туман болалар музика мактаблари, ўрта мактабларда, муассасаларда ўтказиладиган концертларда ўзи ва ўқувчилари билан фаол қатнашиб келмоқдалар.

Нажметдинова Нигора ўз ижрочилик, педагогик маҳоратини ошириш мақсадида ўз устида мунтазам ишлайди. 2008 йилда Урганч Давлат Университетининг музика таълим мутахассислиги бўйича магистрлик даражасини олди. 2013 йилдан Урганч санъат коллежи директори лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

3.3.БОВ. Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш давр талаби

Ўқув жараёнида талаба ёшлар шахсини ижодий ривожлантиришда индивидуал ёндашув муҳим ўрин тутди. Ҳар бир ўқувчи-талабанинг қизиқишларини инобатга олиб, уларда саҳна ва саҳна орти маданияти, касбига бўлган иштиёқи, қизиқишини шакллантиришда “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбари У.Худайбергенов, хотин-қизлар қўмитаси раиси Қурбонбика Ўрозметова, моҳир ўқитувчилардан Лениза Ортиқбоева, Одинамурод Хўжаевларнинг ҳам хизматлари таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, коллежда жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлига қўйилгани ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, сиёсий билимларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, жадал

суръатларда ривожланаётган давр ҳар биримиздан, жумладан, санъаткорлардан ҳам улкан фаоллик, ташаббускорликни талаб қилади.

Айниқса, ўқувчи-талаба қизларни ҳаётга тайёрлашда, уларнинг турмуш тарзига, миллий анъана ва қадриятларни сингдиришга хотин-қизлар кўмитасининг ўрни бўлакча. Коллеж бошланғич хотин-қизлар кўмитасига етакчилик қилиш, тажрибали устоз, истеъдодли шоира Қурбонбека Ўрозметова зиммасида.

Назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда, ўқувчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича билим ва кўникмаларини мустахкамлашда коллежда фаолият кўрсатаётган ансамблларнинг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга. Рубобчилар дастаси раҳбарлари Б. Сапоев, М. Отажонов, “Дуторчи қизлар” ансамбл раҳбари Фароғат Мўминова, дostonчилик гуруҳи раҳбари Матёқуб Абдуллаев, “Наврўз” ансамбли раҳбари Миркарим Каримов, “Доирачилар” дастаси раҳбари Х.Полвонов, Х.Бобожонов, “Мақомчилар” ансамбли раҳбарлари Бозорбой Ўринов, Хуршида Ўринова, “Халфачилар” дастаси раҳбари Дилором Юсуповалар ўз ишини яхши англаган, масъулиятни ҳис қилувчи устозлардир. Эл орасида ёрқин истеъдод соҳиблари сифатида ҳам улар ном қозонган етук санъаткорлар ҳисобланадилар. Бундай устозлар билан бир сафда фаолият кўрсатиш ўқувчи-талабаларни изланишга, интилишга, меҳнат қилишга ундайди. Бу эса ўз навбатида истеъдодлар шаклланишига хизмат қилади.

Абу Наср Фаробий хазратлари “Агар инсон эзгуликка интилиб яшаса, унинг умри қувончли ва гўзал кечади, гўзал ҳаёт эса халқ назарида ҳам, Оллоҳ назарида ҳам юксакдир”, деган эдилар. Санъат ана шу эзгуликнинг гўзал намоёни бўлибгина қолмай, эзгуликка эришишнинг ноёб воситаси ҳамдир.

Санъат коллежи битирувчилари давлат аттестация комиссиясига битирув малакавий ишларини муваффақиятли тақдим этиб келмоқдалар. Тошкент давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари Ботир Матёкубов, Отаназар

Матёкубов, Ҳамроев, Баҳром Қурбонов, Фазилат Шукурова, Равшан Юсупов каби санъат илмининг етук билимдонлари талабалар маҳорати, билимига Яқуний давлат аттестациясида юқори баҳо бериб, этирофга сазовор бўлиб келмоқдалар.

Ўқувчиларнинг турли кўрик-танловларидаги ғалабалари, анжуманлардаги фаол иштироки, кенг жамоатчилик этирофига сазовор бўлаётганлиги коллеж ўқитувчиларининг ўз касбини севишлари, вазифаларини виждонан амалга оширишлари, ўқувчилар адолатли синовлар асосида ўқишга қабул қилиниши, уларнинг санъат сирларини эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги ёшлар қалбидаги улкан иштиёқни юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Коллеж ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг бундай ҳамкорликдаги ижодий фаолиятлари, изланишлари келажакда улардан янада улкан муваффақиятлар, мусиқий ижрочиликдаги ютуқларни кутишга умид бағишлайди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу **“Ўзбекистон мусиқа санъати ривожиди Урганч санъат коллежи фаолиятининг ўрни”** мавзусидаги магистрлик диссертация Урганч санъат коллежининг, айнан Халқ чолғулари бўлимининг 50 йилдан ошган фаолиятини ёритишга қаратилди. Чунки кўпгина ёшлар тахсил олган Урганч санъат коллежи ўз фаолияти давомида, айниқса Мустақиллик йилларида кўпгина ютуқларга эришди, коллеж мавқеини янада оширди.

Бугунги кунда нафақат Урганч санъат коллежида балки, Республикамиздаги барча санъат ва маданият коллежлари, мусиқа академик лицейларига бўлган эътибор кундан кунга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз раҳбарияти ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарор ва фармойишлар мақсади иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ўз истеъдодларини

намоён этишга кўмаклашишга қаратилган. 2017 йил 31 майда Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган **“Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чоратadbирлар тўғрисида”**ги Қарорда: маданият ва санъат муассасалари, маданият ва аҳоли дам олиш масканлари фаолияти ва моддий-техник базаси ҳолатини ўрганиш, шу асосда уларни зарур жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминлаш, самарали ижодий фаолият учун қулай шарт-шароитлар яратиш алоҳида таъкидланган.


Шу боис ҳар йили 200 тадан ортиқ ёшларимиз Республика ва Халқаро ижрочилар кўрик танловларида юқори ўринларни қўлга киритиб, имтиёзли равишда Олий таълим даргоҳларига ўқишга қабул қилинаётганлиги ҳам ғамхўрликни тасдиқлаб турибди, бу қувонарли ҳол. Таълим тизимини ривожлантириш мақсадида дарс ўтиш жараёнини турли замонавий усулларда ташкил этиш, ёшлар маънавиятини янада бойитиш учун янги авлод адабиётлари, дарслик, қўлланма, тўпламлар яратилмоқда. Ўқитувчи ва ўқувчिताлабалар ўз устларида янада кўпроқ ишлашлари замон талабига айланди.

“Устоз-шогирд” анъанасида таълим бериш бугунги кунда ҳам кенг қўламда амалга оширилмоқда. Чунки санъатнинг амалий жиҳатларини ўргатишда устоз-шогирд анъанасига таянган ҳолда иш юритиш ижобий натижаларга олиб келади. Коллежларда ички кўрик танловлар ўтказиб туриш, ўзлаштириши қийин бўлган ёшлар билан алоҳида машғулотлар олиб бориш ҳам ўз натижасини бермоқда. Коллеж жамоасида ёш мутахассислардан ташкил топган мутахассислар, дирижёрлар фаолияти ҳам эътиборга лойиқ, таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бундай етук Малакали мутахассис ва педагогларни тайёрлашда Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси катта ёрдам бермоқда.

2017 йилнинг 1 март куни Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасида тизим ташкилотлари раҳбарлари, бошқарма ходимлари,

мураббий ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан бошқарма бошлиғи Шокир Мадаминов ўтган йиллар мобайнида соҳада қатор ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлаб, эришилган ушбу муваффақиятлар ўзига хос ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик алоқалари самараси эканлигини эътироф этди. Ўз навбатида мазкур ибратли ишларни амалга ошириш жараёнида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлар ҳамюртларимизга самимий тилагини билдириб, уларнинг бир гуруҳини миннатдорлик рамзи сифатида "Маданият ва спорт соҳаси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун" тақдирландилар.





Жумладан, қуйдагилар Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасининг дипломига лойиқ кўрилди.

Гавхар Матёкубова – Ўзбекистон халқ артисти, вилоят Академик ва халқ бадий жамоаси бош балетмейстери.

Ғофуржон Эшчанов – Ўзбекистон халқ артисти, "Хоразм мақом" жамоаси бадий раҳбари.

Ғуломжон Эшчанов – Ўзбекистон халқ артисти, "Хоразм мақом" жамоаси мусиқа раҳбари.

Фарҳод Давлетов – Ўзбекистон халқ ҳофизи, Хива тумани маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли "Дашёқ" маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадий раҳбари.

Раҳматжон Қурбонов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази илмий ходими.

Ҳамид Сапаев – "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими раҳбари.

Баҳром Бекметов – вилоят халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик маркази директори.

Сарвар Қаландаров – бошқарма бош ҳисобчиси.

Мухайё Жабборова – бошқарма кадрлар бўйича инспектори.

Шаҳодат Сайидова – бошқарма иш юритувчиси.

Ботир Давлетов – "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси директори.

Даврон Отабоев – Вилоят кўғирчоқ театри директори.

Динора Ибрагимова – Хоразм вилоят мусикали драма театри директори.

Маримбой Отамуратов – Урганч Суратлар галереяси директори.

Солияжон Раҳимберганова - "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири вазифасини бажарувчиси.

Ўткир Матқурбонов – Хоразм вилоят телерадиокомпанияси директори.

Хамро Бектемиров – Урганч олимпия захиралари коллежи директори.

Ортиқ Полвонов – Яккама-якка спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори.

Света Матниёзова – Урганч шаҳридаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби директори.

Ширинжон Жуманиёзова – Шовот тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи.

Раимбой Шержанов – Вилоят кураш федерацияси раиси.

Муяссар Раҳимова – Фан, таълим ва маданият касаба уюшмалари вилоят бўлими раиси.

Улуғбек Бобожонов - "Хоразм мақом" жамоаси хонандаси.

Саидмансур Абдуллаев - "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими хонандаси.

Альфия Ибрагимова - Урганч олимпия захиралари коллежи мураббийи.

Шермат Давлетов - Урганч олимпия захиралари коллежи мураббийи.

Ҳасан Полвонов – Урганч Санъат коллежи ўқитувчиси.

Даврон Шарипов - Хоразм вилоят телерадиокомпанияси муҳбири.

Маримбой Маткаримов - Хоразм вилоят телерадиокомпанияси видео тасвирчиси.

Дилора Нурманова - Хоразм вилоят мусикали драма театри бош балетмейстери.

Аминбой Бобожонов – Урганч шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими жамоа раҳбари.

Каримбой Қувоқов – фахрий санъаткор.

Рустам Хўжаев – Хива тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси.

Пирназар Мадримов – Хива тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи.

Хушнуд Салаев - Хива тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи.

Зокир Бобожонов – Урганч шаҳридаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси.

Жамшид Худойбергенов - Яккама-якка спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийи.

Қахрамон Нуруллаев – Хонқа тумани спорт коллежи ўқитувчиси.

Дилфуза Қозоқова – Урганч шаҳар 24-сон ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси.

Улар орасида коллеж ўқитувчиси ҳам борлиги қувонарли ҳол.

Бугунги кунда нафақат Урганч санъат коллежида балки, республикадаги барча санъат ва маданият коллежлари, мусиқа академик лицейларига бўлган эътибор кундан кунга ортиб бормоқда. Бунинг исботини ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарор ва фармоишлар мисолида кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ҳар йили 200 тадан ортиқ ёшларимиз республика ва халқаро миқёсдаги кўрик танловларда юқори ўринларни қўлга киритиб, имтиёз асосида олий таълим даргохларига ўқишга қабул қилинаётганлиги қувонарли ҳол. Таълим тизимини ривожлантириш мақсадида дарс ўтишни турли хил усулларда ташкил этиш, ёшлар маънавиятини янада бойитиш учун янгидан-янги услубий қўлланмалар яратилмоқда.

Устоз-шогирд улувида таълим бериш бугунги кунда ҳам кенг қўламда амалга оширилмоқда. Чунки санъатнинг амалий жихатларини ўргатишда устоз-шогирд анъанасига таянган ҳолда иш юритилади. Коллежлар ўзлари тез-тез ички кўрик танловлар ўтказиб туришса, ўзлаштириши қийин бўлган ёшлар билан алоҳида машғулотлар олиб борилса нур устига аъло бўлар эди. Коллеж жамоасини ёш мутахассислардан ташқари дирижёрлар билан таъминлаш ҳам эътиборга олинса таълим самарадорлиги янада ортган бўларди. Малакали

мутахассис ва педагогларни тайёрлашда Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоасига ғайрат ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган **"Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби"** мавзуидаги анжуманда сўзлаган нутқида ёш авлод тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. "Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёкараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан", дея таъкидлади Президентимиз. Бугунги куннинг талаби шу экан, ҳаммамиз ушбу вазифани бажаришга ўз улушимизни қўшишимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2014. – 75 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-488 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.Маънавият, 2008 й.

6. Акбаров И. "Музика луғати" Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
7. "Халқ чолғулари ижрочилигининг замонавий омиллари" Республика илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК). Т.2015
8. "Умрбоқий созлар" Республика илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК). Т.2015
9. "Халқ чолғулари бошланғич таълим тизимининг амалий ва услубий вазифалари" Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК Т. 2015).
10. "Халқ чолғулари ижрочилигида ёшлар фаоллигини ошириш масалалари". Республика илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК Т.2016).
11. Қурбонов Р. Санъатнома I ("Санъатнинг сирли олами") 2010
12. М. Бекжон Рахмон ўғли, М. Юсуф Девонзода "Хоразм мусиқа тарихчаси" 2014 (қайта нашр).

Иловага мақолалар, қўлланма, концерт афишалари, суратлари, амалиёт жараёни киритилиши керак.